

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль  
йўллари давлат кўмитасининг  
2018 йил “04” июль даги 30а -сонли  
селектор йиғилиш баёнига илова.

**Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси  
тизимида давлат харидларини ўтказиш учун  
Одоб-ахлоқ қоидалари**

1. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси тизимида давлат харидларини ўтказиш учун Одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2018 йил 9 апрелдаги 472-сон Қонуни асосида ишлаб чиқилган.

2. Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ҳамда кўмита тизимидаги барча корхона, ташкилот ва таълим муассасалари мансабдор шахслари ва ходимлари давлат харидини амалга ошириш жараёнида ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига (кейинги ўринларда “Қоидалар” деб номланади) риоя этишлари шарт.

3. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги принциплар асосида иш юритилади:

давлат буюртмачисининг касбий маҳорати;  
асосланганлик;  
очиқлик ва шаффофлик;  
тортишув ва холислик;  
мутаносиблик;  
Давлат харидлари тизимининг ягоналиги;  
молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги,  
самарадорлиги;  
коррупцияга йўл қўймаслик.

Давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши керак.

4. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш:  
давлат харидлари билан шуғулланувчи мансабдор шахслар ва ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Юқорида санаб ўтилган шахслар:  
шахсий манфаатдор эмаслигини, шунингдек ўз оила аъзоларининг манфаатдор эмаслигини кафолатлаши керак, акс ҳолда шахсий манфаатдорлик ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида зиддият юзага келади ёки келиши мумкин;

манфаатларнинг исталган потенциал, тахмин қилинаётган ёки мавжуд тўқнашуви ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилишини кафолатлаши керак.

Мавжуд ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган, юқорида номлари келтирилган шахслар бу ҳақда бевосита раҳбарга хабар қилиб, бир вақтнинг ўзида ваколатли органни хабардор этиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

5. Касбий тайёргарликни текшириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар: Давлат харидларини амалга оширишга масъул этиб бириктирилган мансабдор шахслар ва ходимлар ҳамда харид комиссияси аъзолари касбий тайёргарлиги жиҳатидан ўрнатилган талабларга жавоб бериши лозим.

6. Давлат харидлари жараёнида қуйидагиларга:

иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар беришга;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланмаган усулларини қонунга хилоф равишда танлашга, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шакллариغا, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктиришига;

ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш ёки тарқатишга, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашга;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга;

иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда ижро этишни рад этишига;

давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритишга;

фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига;

молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга оширишга йўл қўйилмайди.

7. мансабдор шахс ёки ходим томонидан Қоидаларнинг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.